




ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг жойларда қандай бажарилаётганини аниқлашга хизмат қиладиган назорат-таҳлил фаолиятини мунтазам ўтказиб келмоқда.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — тараққиёт омили

Ишчи гуруҳ ахборотида эътироф этилганидек, Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2012 йилнинг якуни бўйича 61,8 фоизни ташкил этган ёки ўтган йилдагига нисбатан 0,6 фоизга ошган.

да ўтган йили яратилган иш ўринларининг 76 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди.

лик муҳитини яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлигидан далolat бермоқда.

Депутатлар мониторинг жараёнида вилоятда маҳаллий давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари ва назорат қилувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи идораларда ўтказилган маъруза Қонун ва қонунотлар ҳужжатларига риоя этиш аҳволи масаласига алоҳида эътибор қаратишди.

Йиғилишда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятидаги ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Машқура ЗОҲИДОВА.

Фидойилик, маҳорат ва масъулият

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Мамлакатимизда яшайдиган миллат ва элатларнинг тўққиз тилида босма нашрлар фаолият юритмоқда, кўп тилли веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда.



Бошқер АКРАМОВ олган сурат.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори барча медиатизилмалар, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қўлай шaroитлар яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишга янги имкониятлар очмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан аъъанавий тарзда ўтказилаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови бўлиблари ва

совриндорларига мукофотлар топширилди. Мамлакатимиз медиа муҳити ривожига заҳматкаш ноширлар, матбаа соҳаси ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Йиғилишда мукофотланганлар номидан сўзга чиққанлар миллий оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, сифат жиҳат-

дан янги босқичга кўтариш, жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шaroитларни яратиш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатаётгани учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдирдилар.

Дарҳақиқат, миллий матбуотимиз ривож йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган кўплаб ҳамкасбларимиз ҳар йили Президентимизнинг фармонларига биноан, Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда.

Сари давват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига уйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э. Боситхонова, А. Икромов иштирок этди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯХШИ ХАБАРЛАР

Шеробод туманидаги "Хўжайкон туз" масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилнинг 5 ойи давомида истеъмолчиларга 15 минг тоннадан зиёд ош тузи ҳамда 20 минг тонна техник туз етказиб берилди.

Иш ўринлари кўпаяди

— Яқинда цехларимизни янги технология билан жиҳозлашга киришамиз, — дейди жамият раҳбари Сайдулло Эргашев. — Шу мақсадда хорижий ҳамкорлар билан ош тузини майдалаш ва қадоклаш ускуналари хариди юзасидан шартномалар имзоладик.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Банк кўмаги қўл келди

Яккабоғ туманидаги "Фарход-МН" хусусий ишлаб чиқариш таъминот корхонасида 30 турга яқин кийим-кечак ва бошқа тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хозир бу ерда эркак ва аёллар ҳамда болалар учун тайёрланаётган бежирим либосларнинг бозори чаққон.

— Молия муассасалари кўмагида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятидамиз, — дейди корхона раҳбари Фарход Тоғаев. — Хозир бу ерда буюртмалар асосида кўрпа-тўшак ҳамда ишчилар махсус кийимлари ҳам тайёрланмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Соғлом ҳаёт тимсоли

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

"Beauty Expo Uzbekistan — 2013" кўргазмасидан кўзланган асосий мақсад гўзаллик саноати соҳасидаги ютуқларни намойиш этиш, даволаш косметикасининг табиий усулларига аҳоли эътиборини жалб қилиш, табиий маҳсулотлар асосида яратилган пардоз ашёларини кўпайтириш, соҳа мутахассисларининг тажриба алмашишлари, хориж компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатишлари учун кенг имкониятлар яратишдир.

Кўргазма-ярмаркада доривор гиёҳлар, биологик фаол моддалар, фармацевтик препаратлар, фитотерапия, турли косметик моддалар, гўзаллик ва саломатлик, безак косметикаси ва фитнес марказлари учун ускуна ҳамда жиҳозлар намойиш этилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити, уларга берилаётган қўллаб-қувватлаш имтиёзлари маҳаллий хом ашё асосида табиий ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли эҳтиёжларига мос маиший шохобчалар, гўзаллик салонлари, спорт-

соғломлаштириш, фитнес клублари ташкил этиш имконини берди. Бир пайтлар оддий совун, атир, пардоз буюмлари ҳам четдан келтирилган бўлса, бугун юртимиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлар қатор хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

— Корхонамиз ташкил этилганга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди

тайёрланмоқда. Маҳаллий шифобахш ўсимликлар, мева ва сабзавот, минерал моддаларга бойитилган ва сифат жиҳатидан хорижий турдошлари билан рақобатлаша оладиган ушбу маҳсулотларга ички бозорда талаб юқори. Хозир маҳсулот турини эфир майлари, совун, соч ювиш воситалари ҳисобига кенгайтириб, жаҳон бозорига чиқиб харақатидамыз.

Кўргазмада, мамлакатимиз корхоналари билан бир қаторда, АКШ, Ҳиндистон, Россия, Украина, Швейцария, Франция сингари давлатларнинг косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи нуфузли компаниялари, пойтахтимиздаги гўзаллик ва саломатлик марказлари, фитнес клублар, спорт-соғломлаштириш марказлари ҳам ўз хизматлари билан иштирок этганлар билан кўргазмада саргарошлик санъати, безак косметикаси бўйича маҳорат дарслари, семинарлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Кўргазма 29 июнга қадар давом этади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, Шомурат ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Мамлакатимизда аҳоли манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини фуқаролар ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда ижросини доимий назорат қилиш эътибордаги масалалар. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва доимий комиссияларининг бу борадаги фаолиятини янада кучайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Фаоллик ва ташаббускорлик

депутатлар фаолиятининг мазмун-моҳиятини ташкил этади

Ўз навбатида, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиянинг тегишли қарорлари, кўрсатмалари ва тавсиялари, депутатлар билан ўтказилаётган семинар-тренинглар жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар" тўпламидан депутатлар ҳамда доимий комиссияларининг самарали фойдаланмоқда.

таъминлашда ошқораликка эришиш муҳим ўрин тутди. Шу нуктага назардан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари депутатлари, доимий комиссияларининг фаоллигини баҳолаш бўйича кўрик-танлов ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ҳудудимизда "Йилнинг энг фаол депутати", "Йилнинг фаол доимий комиссияси" ва "Йилнинг фаол доимий комиссияси раиси" номинациялари бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

Ушбу кўрик-танловнинг биринчи босқичида 332 нафар фаол доимий комиссияси" номинацияси бўйича 9 та ва "Йилнинг фаол доимий комиссияси раиси" номинацияси бўйича 6 нафар доимий комиссиялар раиси қилиб деб топилди ва вилоят босқичида иштирок этишга тавсия қилинди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан шаҳар ва туманларда ўтказилган кўрик-танлов якунлари атрофида ўрганилиб, "Йилнинг энг фаол депутати" номинацияси бўйича халқ депутатлари Янғубод тумани Кенгаши депутати Олимжон Бегматов, "Йилнинг фаол доимий комиссияси" но-

минацияси бўйича халқ депутатлари Дўстлик тумани Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссияси раиси Дилфуза Садриддинова қилиб деб топилди.

Х. ШУКУРОВ, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартиб ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раиси.



